

1991  
2000

# Туркистон

Элим деб, юртим деб



ёниб яшаш керак!

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМФАРМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 5 июль, чоршанба. №49-50 (14332)

## ИСТИҚЛОЛИНГ АБАДИЙ, ВАТАН!

«Камолот» худуди

### ТАЛАБАЛАР ФУТБОЛ ҲАФТАЛИГИ

Бугунги кунда футбол жаҳон узра янгидан-янг қирраларини очиб бораётгани ҳеч биримизга сир бўлмас керак. Бунга яқинда бўлиб ўтган «Евро-2000» футбол мусобақалари аққол мисол бўла олади. «Евро-2000» баҳслари ҳам тарих саҳифаларидан жой олди, шу билан бирга хотирларимизга муҳрланган унутилмас лаҳзалар бир дунё ҳаяжонли дамлари учун ҳаммамизни миннатдор этди, дея оламиз. Европа биринчилиги мусобақаси катнашчилари сафида Ўзбекистон футбол жамоасини ҳам кўриш ҳар бир ўзбек футбол мухлисининг қалбидаги асрий орзуси бўлса керак, десак муболага бўлмайди.

Учун футбол ҳафталиги якунланди. Мусобақада университетнинг англис филологияси, халқроқ журналистика, француз филологияси ва таржимонлик факультетлари иштирок этиб, мазкур баҳсларда англис филологияси ҳамда таржимонлик факультети футбол жамоалари финал босқичига чиқди. Якуний натижаларга кўра англис филологияси факультети талабаларининг футбол жамоаси таржимонлик факультети устидан 4:2 ҳисобида ғалаба қозониб, университет бўйича мутлақ ғолибликни қўлга киритди. Мусобақалар якунида ғолиблар ЎзДЖТУ «Камолот» жамоатчилиги марказининг эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Саида ПОЁНОВА, ЎзДЖТУ талабаси



Биринчи саҳифага мактуб

### КЕЧИККАН ДАРСЛИК

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин мактаб дарсликлари ҳам қайта нашр этила бошланди. Жорий ўқув йилининг охирида қўлимизга етиб келган 9-синф учун «Ўзбек адабиёти» дарслиги ўқувчилар ва адабиётшунослар томонидан яхши кутиб олинди.

Тасаввуф тушунчаси биз ўқиган бошқа адабиёт китобларида кенг ва тушунарли тарзда берилмаган эди. Дарсликда эса алоҳида тасаввуф деган бўлим бор. Унда маънавий камолотта эришишнинг йўллари, алломаларнинг номлари, шунингдек, зоҳидлик ва орифлик ҳақида тушунчалар ҳам берилди.

Шу ўринда ўқишга киришни ният қилиб, тест саволларига тайёрланаётган барча тендошларим ҳам китобдан ниҳоятда самарали фойдаланаётганини айтиб ўтишим керак.

Афсуски, биз XI синф ўқувчилари китоб кечикки чиққанлиги учун уни мустақил ўқишимизга тўғри келди. Биздан кейинги X синфлар ҳам китобни тўлиқ ўқишга муяссар бўла олган йўқ. Чўнки, қишлоқ мактабларига бу дарслик эндигина етиб кела бошлади. Хали юқорида айтганимдек, олий ўқув юртлири талабаси бўлиш тараддудида юрган дўстларим бу китобнинг эртароқ чиқмаганлиги сабабли менга ўхшаб афсусланаётганлари аниқ. Чўнки тест саволларига жавобларнинг анча-мунчасини шу китобдан топиш имкониятига эга бўлдим.

Тегишли вазирилик ва идоралар мактаб дарсликларини ўз вақтида чиқарса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шундагина, биз қишлоқ ўқувчилари ҳам ўз вақтида яхши тайёргарлик кўриб, олий ўқув юртлирига кириш имтиҳонларида юқори балл йиғаридик.

Саид ҚОРАЕВ, Қашқадарё вилояти



## «ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!»

(Шу мавзудаги мақолани 2-саҳифада ўқийсиз)

... Ойнадан ўпқалама

## КўНИКТИРАЁТГАН МУАММО СИРИ НИМАДА?

Сурхондарё вилоят электр тармоқлари корхонасининг Вандихон туман филиали фаолияти илгари бироз дуруст эди. Аммо... Кейинги йилларда филиал директори Курбон Қўшоқовнинг ишн ўз ҳолига ташлаб қўйганлиги аҳволни оғирлаштирди. Айрим мисоллар келтирайлик, филиалнинг 47 миллион сўмлик дебиторлик, 7 миллион сўмлик кредиторлик қарзи бор. Савол туғилади. Нега қарз бунчалик кўпайиб кетди?

Сабаби шундаки, филиал раҳбарлари қарзини тўламаса ҳам давлат ҳисобидан хотамтойлик қилиб электр энергиясини аҳолига ва ташкилотларга бепул етказиб беришни одат қилиб олишган.

— Уч-тўрт ойдан бери ишчиларимиз маош нимагини билмайдилар, — дейди Курбон Қўшоқовнинг ўзи. — Бу ташвишли аҳволдан қутулиш чораларини кўряпмиз.

Аммо сира иложини топа олмаяпмиз.

Салкам 40 нафар киши ишлайдиган бу ташкилотда ходимларнинг ишга масъулияти бўшаштириб юборилган.

Бу ерда назоратчилар етарли. Аммо, нима учун-дир улар ташкилот ва хонадонларга тез-тез бор-надонларга тез-тез бор-майдилар. Электр энергияси ҳақи тўланиши устидан ўз вақтида назорат қилинмайди. Натиханда айрим хонадонларда ҳақ бир неча ойлардан буюн тўланмаган. Биз филиал директори ва бош инспектори билан бирликда текшириш ўтказганимизда, айрим ошхоналарда 300 киловатт электр энергияси сарфлангани ҳолда ҳақ тўланмаганлигини кўрдик. Қизиги шундаки, баъзи уларда мижозлар электр энергияси ҳақи тўлаганлигини қайд этиб борадиган ҳужжат йўқлиги ҳам ташвишли ҳолдир.

— Олдинги ойларида режани уддалай олмайганимиз учун иш ҳақимнинг йиғирма ва қирқ фоиз миқдориде жарима тўлашга мажбур бўлган эдим. Кейинги ойда ишдан чора олиб бўшаб кетишдан қўрқиб ариза бердим. Аризам вилоятдаги корхонамиз директори муовини Тоштемир Тўраевга турибди. Директоримиз Зокир Сатторов мени нима учундир ишдан бўшатгиси келмаптир, — дейди Курбон ака.

Ташкилот касабга уюшмаси талаб даражасида фаолият кўрсата олмаяпти. Ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун шароит етарли, деб бўлмайди. Ходимларни турли санаторий ҳамда дам олиш уйларига юбориш зарур, деб ўйлайман. Айрим ёшлар узоқ хўжаликлардан қатнаб ишлашга мажбур бўлмоқдалар.

— Бензин фондимизни ололмаяпмиз. Шу сабабли сизнинг машинангиздан фойдаланиб турайлик, — дейди бошлиқ ачиқ қилиб.

Битта «ГАЗ-69 УАЗ» машинаси бор. Аммо ёнилги йўқлиги сабабли узоқда жойлашган хўжалик ҳамда хонадонлардан электр энергиясидан фойдаланишнинг аҳволини текшириб бўлмапти.

Хатто сув билан ҳаводек зарур бўлган диспетчерлик пунктда ҳам телефон алоқаси йўқлиги таажжубга солади, кишини.

Аҳвол шундай ночор бўлишига қарамасдан гўё ҳеч нима бўлмагандек ташкилотдаги масъул кишилар — бош муҳандис Бахтиёр Маматқўлов, бош инспектор Бахтиёр Очилов, техник инспектор Асад Хидирназаров ва бошқалар парвойи палак юришибди. Хуллас, аҳвол мақтагудек эмас. Бироқ вилоят электр тармоқлари корхонаси директори Зокир Сатторов эса бу ҳолга қўнғиб қолгандек, бирор кўнтий чора кўришга шошилаётгани йўқ.

Жовли ХУШБОҚОВ

## «КАЛАМУШ» «ТЎР»ГА ТУШДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилги бошқоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш масалалари тўғрисида»ги 194-сонли қарорини бажариш юзасидан Хатирчи туман прокуратураси текшириш ишлари олиб бориб, бир қанча қинирликларни фош қилди.

Йиғим-терим авжига чиққан айни кезларда баъзи кишиларнинг нафси хақалак отаётгани аниқланмоқда. Чўнчи, А.Ҳалимов номли ширкат хўжалигида К.Исмаилов бошчилик қилаётган бригада дала шийони текширилганда, ўғит сақланадиган хонада 35 қоп, яъни 1700 кг дон яшириб қўйилган ёки «Зарафшон» ширкат хўжалиги худудиде жойлашган пункт кўздан кеңирилганда пункт мудири бўлиб ишловчи Остон Умаров тарозига тортиш учун олиб келинган ғалладан оз-оздан ўмираб, 8 қопни жамғариб қўйгани аниқланди.

Баъзи ҳолларда эса гектар бошига олинадиган ҳосил чўғини қаматириб, даромад қилиш «қасали»га тушиб қолган кимсалар ҳам учраб турибди. А.Ҳалимов номли ширкат хўжалиги далаларидаги ҳосил қамалиридан, ширкат хўжалиги тафтиш хайъати раиси Н.Худойбердиев, бош ҳисловот Р.Бақоев, бош иқтисодчи А.Ҳалилов ва ғалла ҳосилоти Р.Ҳайитовлар томонидан кўзбўямачилик ҳолати юз берганлиги аниқланди. Улар пудратчилар М.Кенжаев ва К.Зийдуллаевлар ҳисобидеги 9 гектар майдондаги бугдой ҳосилини 20 центнердан қилиб кўрсатишган, амалда эса ҳар гектардан 27.3 центнердан ҳосил олинган.

Энг ачинарлиси, давлат хирмонига донни нам ҳолатда олиб бориш ҳоллари ҳам учраб турибди. А.Ерлақабов номли ширкат хўжалиги намлиги 17.8 фоиз бўлган 4 тонна 690 кг ҳамда намлиги 21.4 фоиз бўлган 7 тонна 640 кг «Қузова» навли бугдойни, А.Ҳалимов номли ширкат хўжалиги эса намлиги 17.8 фоиз бўлган 2 тонна 300 кг бугдойни давлат стандартларига зид равишда давлатга сотиш учун хирмонга олиб боришган.

Юқориде қайд этилган қонунбузарликлар юзасидан тегишли тартибда жиноий ва маъмурий тартибда иш қўзғатилди. Ўз нафсига қул, текин-хўрликни одат қилиб олган республикада қонун мавжудлигини ёлларидан чиқармасалар, элу юрт, маҳалла-қўй олдиде юзлари шувит бўлмасди.

Салом САМАДОВ, Хатирчи туман прокуратураси адлия кичик маслаҳатчиси

### «Туркистон» да танқид қилинган...

## «КУТУБХОНАГА ЭЪТИБОР КЕРАК»

Газетанинг 2000 йил 7 июль сониде шу сарлавха остида Хоразм вилояти Гурлан тумани марказий кутубхонасидаги аҳвол танқид қилинган эди. Кўни кеча ушбу мақола юзасидан кўйидаги жавоб олинди:

«Мазкур танқидий мақола 2000 йил 9 июнь кўни туман марказий кутубхоналар тузилмаси ходимлари, кутубхоначилари иштирокида чўқур таҳлил қилинди. Мақолада кўрсатилган камчилик ва нуқсонларни бартараф қилиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Ушбу йиғилиш қарорига асосан меҳнат интизомини суъайтириб юборганлиги учун марказий кутубхона йўриқчиси Ш. Жумабаева, китобхонага хизмат қилиш бўлими мудири Н.Ортиқова ҳамда китобларни қайта ишлаш бўлими бош кутубхоначиси Н.Машариповларга хайфсан эълон қилинди.

Туман марказий кутубхонаси директори Ш.Саидабдуллаева юқоридеги камчиликларга йўл қўйганлиги учун каттик огоҳлантирилди.

Туман ҳокимлиги бундан кейин доим маънавий ва маърифат ўчоғи бўлган кутубхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни янги адабиётлар билан тўлдириш чора-тадбирларини кўриб боради.

Ҳ.САБУРОВ, Гурлан туман ҳокими ўринбасари

аксини топган. 1776 йилда Америка мустақиллигининг биринчи йилида мустақилликка асос солган бир неча Британ колониясидаги штатлар ўша пайтда XVIII аср Британиясининг сиёсати, маданияти ва фикри билан яшашган. Албатта, 224 йил ўтгандан кейин эса Америка бугунга келиб алоҳида қитъага, алоҳида давлатга, дунёнинг деярли барча миллатлари ва барча динларини ўз ичига олган катта бир давлатга айланди. Уша мустақиллик декларациясига қўл қўйган отабобларимиз бугунга келиб ҳозирги ҳаётимизни кўрсалар, албатта уларга манзур бўлиб, ҳайратга тушган бўлардилар. Лекин ўша пайтдаги Америка билан ҳозирги сиёсий солиштириладиган бўлсак, улар ўртасида деярли ўхшашликлар қолмади.

— Олдинги Америка фўқароси ўз Ватани ҳақида фикр юритадими?

— Олдинги америкалик ўз Ватани ҳақида фикр юритади. Америка сиёсий маданиятида бу концепция катта аҳамият касб этмайдди. Биз ҳозирги яшаётган мамлакатимиздан жуда фахрланамиз ва лекин уни Ватан деб ҳисобламаймиз. Чўнки биз шу мамлакатда турли хил миллат вакиллари яшаётгани учун ҳам шу мамлакатдан фахрланамиз. Американинг буюк пре-

зидентларидан бири Франклин Рузвельт Америка тўғрисидаги фикрга қўшилмаган одаларга мурожаат қилиб, ўз гапларини доим шу сўзлардан бошлади: «Хўрматли чет элликлар...» Албатта, биз учун мамлакат катта аҳамиятга эга. Биз бу мамлакатга давлат тарихисиде муносабатда бўламиз, лекин Ватан тарихисиде эмас. Ўзбекистонда Америка элчиси бўлиб тайинланганимизда Ватанимизга эмас, Конституцияга қасамёд қилганман. Президент ҳам худди шу тарихка қасамёд қилади.

— Элчи жаноблари, Ўзбекистон ёшлари ҳақида қандай фикрдасиз?

— Ростини айтсам, мен ёшлар ҳақида унчалик маълумотга эга эмасман. Нафақат Ўзбекистон, умуман ёшлар ҳақида. Чўнки ўзим ёш эмасман, қолаверса, фарзандларим йўқлиги учун бўлса керак. Лекин шу нарсани аниқ биламанки, ўзбек ёшлари бошқа ёшларга худаям ўхшайди. Ва улар бошқа ёшларга ўхшаб катта бўлганлари сари ўз ота-оналарини ташвишга солади. Лекин бора-бора улар ҳаётда ўз уринларини топгандан кейин ота-оналари ҳам ўз фарзандларидан фахрланиб юради. Ўзбек ёшларига доимо омад тиламан.

«Туркистон» муҳбири Лола СОАТОВА сўзбатлашди

### 4 июль — АҚШ миллий байрами — Мустақиллик кўни



## Жозеф ПРЕСЕЛ: МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЧИ БЎЛИШ — КАТТА БАХТ

Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фақултода ва мухтор элчиси жаноб Жозеф ПРЕСЕЛ билан сўзбат

кстонни ўша даврга солиштирадиган бўлсак, бугунга келиб умуман халқ ҳаётида ҳам, иқтисодий-маданий ва сиёсий жабҳаларда ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Сизлар ўз давлатингизнинг агалари бўлиб қолдингиз. Чорак аср бурун Ўзбекистонни билиб туриб, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда яшаш менга элчи сифатида ўзгача қайфият бағишлайди. Ўзбекистон ўз мустақиллиги билан фахрланиб юрадиган мамлакатдир. Сўнги икки ярим йил ичиде мен мамлакатнинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий томондан ривожланганини кўриб, ўзим учун жуда кўп нарса ўргандим.

— Мен сизнинг галингизга қўшиламан. Албатта, ҳар бир давлат ўзига хос ва ўзига мос келадиган демократия шаклини танлаши керак. Америкадаги демократия моделини бошқа давлатларга раво кўрмасдим. Айни пайтда

Ўзбекистонда демократия шакли қандай бўлишини, масалан, мен айтолмайман. Чўнки ҳар битта давлатнинг ўз хусусиятлари бор. Албатта, ҳар битта демократия ўзининг алоҳида қонун-қоидаларини, бурчини бажариши керак. Яъни, демократиянинг шакллари турли хил бўлгани билан, ҳаммасининг ҳам бир неча талаблари бўлади. Менимча, демократияни одамнинг фикрлаши аниқлайди.

— Америкаликларнинг ўз кадриятларига содиқ бўлиб қолишга сикидилдан интилагани юксалишнинг муҳим омилли бўлган. Американинг мустақиллик Байномасида бу кадриятлар ўз аксини топганими?

— Албатта. Сиз айтиб ўтган кадриятлар декларацияда ўз

— Мустақиллигимиз туғайли юртимизда катта ўзгаришлар рўй берди. Элчи жаноблари, ҳозир мамлакатимизда кечайтган жарайнлар ҳақида нималар дея оласиз?

— Мен Ўзбекистонни 1976 йилдан бери билман. У пайтда Ўзбекистон СССРнинг бир бўлаги эди. Албатта, ҳозирга келиб вазият ўзгарди. Ўзбекистонда яшаш менга элчи сифатида ўзгача қайфият бағишлайди. Ўзбекистон ўз мустақиллиги билан фахрланиб юрадиган мамлакатдир. Сўнги икки ярим йил ичиде мен мамлакатнинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий томондан ривожланганини кўриб, ўзим учун жуда кўп нарса ўргандим.

# «ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!»

«Камолот» худуди

## МАРОҚЛИ МУЛОҚОТ

Яқинда Германиянинг Конрад Аденауэр жағмармаси, Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла», «Камолот» жағмармалари ва «Иқбол» ёшлар маркази ташкилотчилигида «Номарказлаштирилган органларнинг негизи, қишлоқ аҳолиларини ривожлантиришда ёшларнинг роли» мавзусида семинар уч кун давомида Наманган шаҳрида ўтказилди.

Семинарда вилоятдаги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талабалари, шаҳар, туманлардан тақлиф этилган маҳалла фаоллари, тadbirkор ёшлар иштирок этишди.

Семинарни Германиянинг Конрад Аденауэр жағмармаси минтақавий мухтор вакили Вольфганг Шрайбер ва «Камолот» жағмармаси вилоят бўлими раиси Ганижон Мақсудов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг, «Ёшларда маънавий тарбия муаммолари» мавзусида вазиятни баҳолаш ўтказилди. Бунда семинар иштирокчилари 3 гуруҳга бўлиниб, ёшларнинг маънавиятини тарбиялашдаги ўзига хос муаммоларни ҳал этиш усуллари ишлаб чиқишди.

Тadbirkорлик иккинчи кун семинар қатнашчилари билан қишлоқ ёшлари муаммолари ва уларнинг ечими бўйича муаммолар ўйин ўтказилди. Шундан сўнг, ўрта ва кичик бизнесда ҳамкорлик қилиш марказининг директори Марден Мирзаев «Тadbirkорлик фаолиятини нимадан бошлаш керак?» мавзусида машғул ўтказди. Куннинг иккинчи ярида Ўзбекистон Республикаси Миллий банкининг қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат бўлими мудири Абдулқаҳор Мавлонқориев, Наманган вилояти «Маҳалла» жағмармаси раиси Раҳимжон Ақромов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси даромад солиғини солиш бўлими бошлиғи Очил Ганиевларнинг «Қишлоқда тadbirkорлик фаолиятини юритишга кредит олиш ва молиявий масалалар», «Маҳаллий ўзини ўзи боқариш органларининг ишга ёшлар ўз ҳиссаларини қандай қўйишлари мумкин?» мавзусларидаги мунозаралар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Семинар ишининг учинчи кун «Наманган ҳақиқати» газетаси муҳаррири Фарҳод Йўлчиев ва вилоят телерадиокомпанияси раиси Муҳаммаджон Мақсудовларнинг «Матбуотда маҳаллий ўзини ўзи боқариш органлари, муаммолари ҳамда телевидение ва радиода ёритилиши» мавзусларидаги шарҳлари тингланди.

Семинар ишининг учинчи кун «Наманган ҳақиқати» газетаси муҳаррири Фарҳод Йўлчиев ва вилоят телерадиокомпанияси раиси Муҳаммаджон Мақсудовларнинг «Матбуотда маҳаллий ўзини ўзи боқариш органлари, муаммолари ҳамда телевидение ва радиода ёритилиши» мавзусларидаги шарҳлари тингланди.

Оксана МУШТАЕВА

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий спорт клуби стадионида ана шу шир остида ҳарбий ватанпарварлик кўшиқлари фестивали бўлиб ўтди. Олий Мажлиснинг Ёшлар комиссияси, Фидокорлар партиясининг Ёшлар қаноти, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Ёшлар» теле ва радиоканаллари томонидан ташкил этилган бу тодбирга катилганидан ҳам кўп томошабин ташриф буюрди.

### ДЕБОЧА

Гўдак дунёга келиши билан ҳис этадиган илк туйғу она меҳри бўлса, тинглайдиган илк кўшиғи она алласидир. Унинг юрагига меҳр туйғуси она қалбидан, муҳаббат туйғуси эса онанинг сехрли алласидан ўтади. Шунданми, гўдак учун Ватан онанинг қайноқ кучоғидир...

Бу Ватанда у ҳадикка бегона, ишончга ошно бўлиб яшайди. Чунки унинг қошида посбони — она меҳри ва муҳаббати мавжуд.

Гўдак улғая боради. Ҳаётдаги эврилишлар сабабли унинг онгидида аксарият туннеллар ўзгаради. Бироқ бу эврилишлар унинг Ватанга бўлган муносабатига ўз ҳукмини ўткази олмайди. Фақат у аввал Ватан деб ҳисоблаган масканининг аслида Ватаннинг бошланиши эканини англаб етади. Энди у Она деганда Ватани, Ватан деганда Онани тушунади. Биз ўз дийримишни она Ватан дея аташимизнинг асосий сабаби эҳтимол, шундандир...

### МОЗИЙГА БИР НАЗАР

Ҳам қизик, ҳам ачинарли.. Талотўпсиз, жангу жадалсиз, бокинчиликларсиз ўтган бирорта «тоза» асрини ўзи йўқ! Ҳар қандай пасту баландиликлар, яхшилик ва ёмонлик ўртасида ажл оғон курашларнинг ҳолати, вазияти, истаимизми, истамайимизми, тарих зарваракларида мустаҳкам муҳрланиб қолажак. Агар у ёки бу аср «силлиқина» ўтган бўлса, бу «силлиқлик» ўтмиш саҳифаларига минг бора эзилмасин, барибир хиралашиб, бора-бора ўчиб кетажак...

Лекин сенинг ўтмишинг тарих саҳифаларидан асло ўчмаган! Эро, сенинг тарихинг ажодларимизнинг муборақ қони ила битилгандир!!

Юртим, сен не-не фотиҳлар зулмидан жабр чекмадинг? Мусаффо осмонинг неча мартабала чанг ва дуддан қораймадинг? Сокин водийларинг неча бор отлар дупури, қилчлар жаранги-ю, тўплар наърасидан ларзага келмадинг?!

Не-не асл инсонларни вояга етказган табаррук тупрогингда неча қайта шахидлар қони сенинг кўз ёшларинг дарё бўлиб оқмади?!

Нега ажодларимиз қадим замонларданок жон олиб, жон бериб жанг қилиб, қон тўқидилар? Сен учун! Ҳалқимиз нега асрлар давомида Алпомишни дoston қилиб, тилдан кўймай келади?! Сен учун! Нега оналар фарзандлари бошида тунларни тонларга улаб, энг бегубор ва самимий кўшиқ — алла айтадилар?! Сен учун! Нега она алласини тинглаб, камол топган содиқ ўғлонларинг қўлида қурол билан узоқ сафарларга отланади?! Сен учун!!!

Ҳа юртим, буларнинг барча-барчаси сен учун, сенинг озодлигинг учун қилинган эди!

Бугун фарзандларинг қўлига соз олиб, мадҳунинг кўйлашлари ҳам, осмоннинг узра парвоз этаётган кўшиқлар ҳам сен учун, сенинг озод бўлганинг учундир, она Ватаним!

### МАРДЛАР КЎРИҚЛАЙДИ ВАТАНИНИ

Бу юртининг қадрига етиш учун, унинг тинч ва тоза осмони, ҳар бир тинч, осуда кунларнинг таъмини тушунмоқ керак. Худди ана шу мақсадни кўзлаб ўтказилган «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» ҳарбий ватанпарварлик кўшиқлари фестивали бутун Ўзбекистон ёшларини хаяжонга солди.

Минглаб юртдошларимиз тўплаган майдонга ҳарбий оркестр кириб келди, юртимиз Маҳжиси янгради. Майдон узра Ўзбекистон байроғи кўтарилди.

Дастлаб майдонга Чирчиқ олий ҳарбий танк қўмондонлик — муҳандислиги билим юрти курсантлари Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, бирин-кетин шаҳдам қадамлар билан кириб келди. Зур маҳорат билан улар томонидан кўрсатилган «жанг» майдони барчани лол қолдирди. Чегаранимиз, хавфсизлигимизни қўриқлайдиган аскарларимиз борлигидан қалби-

миз гурурга тўлди. Ота-бобоси мард ва жўмард ўтган бу юртининг фарзандлари Ватан учун жонини фидо қилувчи, миллат учун эътиқоди маҳкам ўғлон бўлгусидир.

Анвар ҒУЛОМОВ: оддий аскар:

— Бугунги фестиваль ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялайди, десам янглишмайман. Ватан учун ким эканимизни, у учун нималар қилишимиз керак-

Сидней шаҳрида ўтказилган олимпиадада қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Фестиваль саҳнасида спорт маҳжиси остида олимпиадачиларимиз ташриф буюрди.

Катта йўлга отланаётган карвонга карвонбоши фотиҳа беради. Унинг маъноси, йўлимиз бехатар, манзилимиз яқин бўлсин, дегандир. Спортчиларга ҳам ана шундай фотиҳани боқс бўйича ўн икки карра Жаҳон чемпиони Артур



HECH KIMGA BERMAIMIZ SENI, OZBEKISTON!

лигини юрак-юракдан ҳис қиламиз, англаймиз. Февраль воқеаларидан сўнг тинчлик улғу нэмат эканини англаб етдим. Биз Ватанимизни ҳеч кимга бермаймиз! Ҳеч нарсага алиштирмаймиз.

Акмал БЕРДИЕВ — Самарқанд шаҳридан, оддий аскар:

— Фестиваль томошабинларининг кўпчилиги ҳарбий хизматни ўтаётган ёшлар ва талабалар. Улар бугун ўзининг ким эканини яхши билувчи ёшлардир. Тўғри, айрим тенгдошларимиз бир неча ойлар ичида адашиб ватанфурӯшларга алданиб қолишди. Лекин ҳаммалари бу йўлга кирганликларидан афсуслар чекишди. Барибир ҳам, халқимиз кеचиримли, бардошли. Ватан кечирди. Энди шунга муносиб фарзанд бўлмоғимиз керак.

### ҒУРУР

Спортчининг ғурури, ному-си, ори Ватандир. Унинг шўхрати — Ватан шўхратидир. Кучли юртдан кучли спортчилар етишиб чиқади. Катта спорт мусобақаларида спортчилар нафақат Ватани, балки унинг маданияти, маънавиятини, аҳиллигини, куч-қудратини намойиш этади.

Мамлакатимиз спортчилари яқинда Австралиянинг

Григорьян берди. Жумладан у шундай дерди:

— Мустақиллик шарофати билан Ватанимиз спортчилари Сиднейда ўтказилган Олимпиадада қатнашиш шарофига муяссар бўлди. Дунёнинг ривожланган давлатлари ўртасида ўтказилган бу спорт мусобақасида жонажон, азиз Ўзбекистонимизнинг ҳам байроғи қилпирайди. Истардимки, бу байроғимиз голиб давлатлар байроғи қаторидан ўрин олсин. Машаққатли йўлда спортчи ука ва сингилларимга омад тилайман.

Шундан сўнг, майдонни ҳимоғга қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг чапдаст, моҳир спортчилари эгаллади. Улар автомашина ва мотоциклларда ҳар хил қалти спорт ўйинларини кўрсатишди ва томошабинлар томонидан муносиб олқишланди.

### БУГУН

ЮРАКЛАРДА БУОҚ ИСТИҚЛОЛ!

Ёшлар учун чинакам спорт ва санъат байрамига айланган фестивалда ёшларнинг севимли «Ялла», «Шаҳзод», «Селтора», «Хўжа», «Болалар», «Аср», «Байрам», «Жоним» сингари бадий гуруҳлар иж-

севимли хонандларига айланган Озода Нурсайдова, Руслан Шарипов, Бону, Севара Назархон, Илҳом Фармонов, Лариса Маскалёваларнинг иштирок этиши байрамнинг қизқаркли ва кўтаринки руҳда ўтишини таъминлади.

Таниқли санъаткорлар Фаррух Зокиров, Юлдуз Усмоновларнинг кўшиқларини

тиқлолни, ҳурлиқни куйлаган хонанданин соғинчи ниғоҳлар орқали барчага ўз таъсири кўрсатмасдан қўймади. Майдонда янграган:

«Ўзбекистон она дийрими,

Дилим яйрар қўшиғу куйдан.

Сенсан менинг бахту баҳорим, Бошинг асло чикмасин



М. АМИН олган суратлар (ЎЗА)

### Огоҳликка давват

## ЯНГИ НИҚОБДАГИ ЁВУЗ НИЯТЛАР

Неча юз йилдан бери халқни ҳидоят йўлига бошлашга, нурга, яхшиликка ташна кўнгилларга Аллоҳ таолонинг каломидида энг эзгу фарзларни синдиришга хизмат қилаётган буюқ уламолар яратган тафсилларига энд ўлароқ, ояти карималарни ҳам, ҳадиси шарифларни ҳам ўз манфаатларига мос тарзда талқин этадилар, умрида бирор диний дароғҳда таълим олмаган, шаритатнинг энг оддий қондаларидан ҳам беҳабар ёшларнинг онгига синдиришга уринадилар.

«Ҳизбут-таҳрир»чилар коммунистлардан фарқли ўлароқ, аҳолининг синдий хусусиятини эътибордан соқит этади ва «Така бўлсин, сунт бери» деган ўзбекча мақолга риоя этадилар.

Асосий йўл-йўриқ дастури бўлиши «Идорий тўлпам»да бу фирқанинг стратегик йўли белгиланган бўлиб, улар ўзлари таянажак кучларни шундай белгилайдилар: «Куч-қувват ва ҳокимият эгалари, таъсири кучли сивсатчилар, нурият аҳли, бойлик, молия, иктисод раҳбарлари-эгалари, ёшувчилар, мутафаккирлар, ёшувчилар, олимлар, эътиборли шахслар, маҳалла оқсоқоллари каби жамиятда ўрни ва таъсири бори шахслар эътиборимиз марказида бўлиши лозим».

Ҳолбуки, бу билан улар болшевик-коммунистлардан жуда ҳам узоққа кетолмайдилар. Чунки, коммунистлар ҳам, гарчи пролетариатни, яъни оқ-юпун ва эзилган йўқчиларни ўзларига таниқ қилиб олган бўлсаларда, мулкдорлардан ҳам ҳазар қилмаганлар, олимлар ва зиёлиларни ҳам ўз тарафларига олдириш учун кун-гайратларини аямганлар.

Агар эринмасдан икки фирқанинг Низоми, Дастури ва бошқа йўл-йўриқ берувчи ҳужжатлари солиштириб кўриلسа, бир-бирига мувофиқ келадиган яна ўнлаб далилларни топиш мумкин.

КПСС НИМА БЕРДИ?

Бугун дунёни ягона қизил байроқ остига бириштирмоқчи бўлган КПСС XX асрда СССР аталмиш ер юзининг олтидан бир қисмини эгалла-

ган, бағрида икки юздан ортиқ эл ва эллатар яшаган ер-поён худуддаги халқларнинг бошига чекисиз қуфлатлар олиб келди.

Биринчидан, Октябрь тўнтарышидан кейинроқ бошланиб кетган бойлар ва камбағаллар ўртасидаги уруш, болшевикчаги айтадиган «синдий кураш» отани боласининг, акани укасининг ашаддий ганимига айлангирди, оқибатда, ўн йиллар давом этган фобролароқ киргизилган бирорта жумҳурият, бирорта халқ беҳабар қолмади, ўзининг қонига ўзи беланди, она-тупроғини ўз миллатининг қони билан сугорди ва қонли тупроқ узра Шўролар салтанатини тиклади.

Иккинчидан, КПСС мафкурасидан маънавий озик олган Шўро салтанати орау қилган ялғи бахт-саодат эмас, балки, улзукчи таскорланидиган оммавий кулфат олиб келди. Инкилобчилар «душманлар»нинг қонига обдон тўйганларидан сўнг янада ишталарини қарнай бўлиб, янги қонхўрликни бошладилар — энди қурбонликка зиёлиларни келтирди. Уларнинг диний эътиқоди ҳам, миллатига ва Ватанига муҳаббати ҳам, эркин фикри ҳам тескари талқин этилди ва ўлим жазоси, узоқ муддатли қамоқ ва сургунлар азобига гирифторм қилинди, жисмонан йўқотилди.

Учинчидан, КПССнинг қон рангли дафтарчасини кўркак чўнтағига жойлаган, шундан баҳра олган ашаддий болшевиклар душман топилмағач

ўз фирқадорларини қонини ичинга тутиндилар ва ўзлари ҳам уша чоғга тушдилар.

Тўртинчидан, СССР худудида яшайдиган барча миллатларнинг тарихи, маданияти, миллий қадриятлари, урф-одатлари, ҳатто, она тилига нисбатан салб юришини бошладилар. Утмишдан, демакки, ажодларнинг шон-шўхратидан маҳрум, миллий ғурур ва ифтихор туйғусидан жудо этилган фикрси, қалбси, қиёфаси совет халқи аталган янги жамоани яратиш, уларнинг ҳаммасини бир тилда сўзлашга, бир хил урф-одатларга риоя этишга мажбур қиладиган мафкуравий виситалар ишга солинди. Мафкуравий виситалар иш бермаганда яна синалган усул — қамоллар, сургунлар қайта тарбиялаш тизимига айлангирди.

Бешинчидан, инсонларнинг меҳнат қилиш, ўз фаровонлигини ўзи яратиш эркин тортиб олинди, ишчи ва зиёли аҳли билими, тажрибаси, истеъдоди ва иқтидоридан қатъий назар белгиланган тартибда эл қатори бир хил ва арзimas маош олиб яшашга, шу маош билан учма-уч, зўр-базўр кун кеचиршга маҳкум этилди, кўнгиллардаги интилиш ва ташаббус бўйб ташланди. Шўро тизимининг тилсиз-забонсиз қулларига айлангирди.

Олтинчидан, дехқон ва чорвадор аталган пешона тери билан оз-неъмат яратувчи, бутун элни боқувчи мўътабар тоифа ўзи яратиб, ўзи оқ юрадиган оломонга айлангирди.

Еттинчидан, Олий раҳбардан тортиб кичик раҳбарга,

ҳамма-ҳаммасини риёкорлик ва мунофиқлик билан яшашга ўргатди. КПСС нинг зугуми ва иш тутуми шу даражага олиб келдики, «иккиозлама» деган қабих сўзинг оубриси кетиб, одамлар «ўн юзлик» бўлиб қолдилар. Раҳбар зоти борки, табий қиёфаларидан воз кечиб, вазиятга қараб ҳар нафасда ўзгариш маҳоратини эгаллашга маҳкум этилди. Идорасида қўл остидагилар учун қаттиққўл, талабчан ва шафқатсиз бошлиқ, ўзидан тепадагилар учун мулоим супурги, иши тушганлардан пора олувчи, ўзининг иши тушганларга пора берувчи, болалар кузурида меҳрибон ва ҳалол ота, жазамани қошида фидойи ошиқ, хотини қошида садокатли ёр, минбарда халқларвар раҳнамо, дастурхон устида ишрат-параст маймун...

Инсоннинг маънавий олами қилинган улзуксиз тажовузалар ана шундай аянчи оқибатга олиб келди. Салқизинчидан, бутун жамият умидсизлик касалига гирифторм этилди, натижада ичкилик, фахш, ўғирлик, муттаҳамлик, таъмағирлик одатий ҳолга айланди. Тўққизинчидан, мустақил фирқалардан маҳрум, яхшиликлардан ўз ўғирдан ва ёмонликларга жон дили билан эргашадиган, ота-онага ҳам, Ватанга ҳам, халққа ҳам бемехр авлодлар юзага келди.

Ҳуллас, санайверилса, коммунистик ақидларистликнинг улкан мамлакатнинг миллион-миллион халқига, шу жумладан, ўзбек халқига етказилган моддий ва маънавий зарарининг саногига етишини ўзи қийин.

Энг ачинарлиси шундаки, ўтмишинг иллатлари бугунги ёруғ кунимизда ҳам оёғимизга ўралашиб, қадимизни озод қўтаришга ва келажак сари дадил одимлашимизга бот-бот халақит бериб турибди.

Бахтиёр РИЗО (Давоми бор)

## БОШҚОТИРМА

Ушбу венгерча бошқотирмада «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» ҳарбий ватанпарварлик кўшиқлари фестивалининг иштирокчилари номи яширинган.

С	Е	Б	А	Л	Б	О	О	З	А	Н	О
О	Т	О	Л	А	Р	Н	У	О	Д	А	Л
Р	А	Б	Ў	О	Н	Х	З	Ж	О	М	Ф
А	Т	О	С	Т	Ш	А	О	Д	Н	И	И
С	Р	Ж	Ф	Д	Х	А	А	Н	Б	Д	Р
Р	Ш	А	А	Ё	Ў	Ж	Р	О	А	А	В
А	В	Н	С	И	Р	Ю	Л	З	Й	Р	С
И	О	М	О	Б	О	В	Д	У	У	А	М
Л	Х	Ф	М	О	В	Р	А	Н	С	М	А
Я	В	А	Р	Н	О	У	З	С	Е	О	В
Л	О	П	А	Ш	Л	С	А	Р	В	Н	О
Л	А	И	Р	Н	А	Н	О	Х	А	Р	А

Тузувчи: Улғубек АҲМЕДОВ, Тошкент шаҳри

### ЖУМБОҚНИ ТОПА ОЛДИНГИЗМИ?

Газетанин 21 июнь сонида эълон қилинган бошқотирма жавоблари.

1. «Шайтанат».
2. «Чимилдик».
3. Сигарет.
4. Устоз.
5. Баскетбол.
6. Абдулазиз.
7. Давр.
8. Болалик.
9. Қалдирғоч.
10. Бомба.
11. Шумбола.
12. Ортиқ.
13. Бахтиёр.
14. Эколот.
15. Дўппи.
16. Румол.
17. Бўри.
18. Хайрулла Нуриддинов.
19. «Синфдош».
20. Эл.
21. Китоб.
22. Ота-она.

Газетаниннинг шу йил 14 июнь сонида берилган Муродхўжа Зокирхўжаевнинг «Уч ҳарфдан иборат бўлган бошқотирма» сўнг муҳлисими, Бухородаги Ибн Сино номли илмий-универсал вилоят кутубхонасининг етакчи кутубхоначиси Муҳаррам Тураева тўғри жавоб йўлаганлар. Биз ўз навбатида уларга миннатдорчилик билдириб, ишларида омадлар тилаймиз.

Соғлом авлод — буюк давлат таянчи



Султонмурод ОЛИМ — адабиётшунос, публицист

Бухоронинг Вобкент туманидаги Қирғизон қишлоғида туғилган. ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факультетини тугатган (1976). Филология фанлари номзоди (1985). Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси (1993).

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти (1976-94), Ташқи ишлар вазирлиги (1994-97), Ўзбекистон Республикаси Президент Девонида (1997-2000) ишлаган.

Ҳозирги кунда Республика "Масъулият ва маърифат" маркази раҳбари муюмини.

Навоийшунослик, таржимашунослик, тасаввуфшунослик, умуман, маънавият ва маърифат, миллий ҳаёт ва миллий мафкура бўйича кўплаб мақолалар, телекўрсатувлар, "Лермонтовнинг ўзбек таржимонлари" (1998. А.Матқубов билан ҳамкорликда), "Навоийнинг шеършунос шогирди" (1990), "Навоий асарлари таржималари" (1991), "Ишқ, ошиқ ва маъшуқ" (1992), "Ҳожа Баҳоуддин ҳақиқати" (1994), "Байроқ, бурж ва бурч" (1995), "Нақшбанд ва Навоий" (1996), "Луқмай ҳалол" (1997), "Бешик" (1998), "Ҳижоб" (1999) китоблари муаллифи.

Мақолабларда ўзбек адабиёти бўйича дастур (5-11 синфлар) ва мажмуа (10-синф) тузишда иштирок этган.

Тарбия — Навоий наздида, бағоят муҳим масала. "Маъжolis ун-нафоис" таъкиротида кўпинча қиммат баҳо берса, гап айлибди унинг тарбиясидаги ютуғи ё камчилигига бориб боғланаверида. Буюк мутафаккир кўп ижодкорлар фелъ-атворидаги лавандлик, яъни дангасалик, бепарволикни қаттиқ қоралайди.

Масалан, Мавлоно Жамолиддин Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг яқинларидан бири сифатида тилга олар экан, унинг "толиби илм бўлгани"ни айтади-да, лавандлиги унинг қамолга етишига — донишманд бўлишига ҳалақит қилганини оқиқ кўрсатиб ўтишни унутмайди: "Агар лавандлиги мурфит бўлмаса (яъни ҳалақит қилмаса) эрди, донишманд ҳам шояд бўлган эрди".

Навоий учун тарбия фақат ёшлик вазифаси эмас. Ёмон шериклар қишини хоҳлаган ёшда ҳам эгри йўлга бошлаши мумкин. Ундан ташқари тарбияда отанинг фелъи ҳам муҳим ўрин тутади.

Таълим олиш, шоир наздида, мунтазамлик талаб қилади. Бу борада эътиборсизлик, ташлаб қўйиш мумкин эмас. Самарқанднинг Фарқат деган ердан бўлган шоир Ориф Фарқатий шу қондага амал қилмади: "Гоҳ сабоқ (яъни дарс) ўқур эрди ва гоҳ лавандлик қилур эрди".

Хусайн Бойқаро отига бағишлаб ёзилган, асли ҳазрати Алининг ҳикматлари мазмунини шеърга солган рубоийлардан иборат "Назм ул-жавоҳир"да ҳам соғлом авлод тарбияси — бош масалалардан. Унинг замона шоҳига бағишлангани ҳақида Навоийнинг ўзи "Тарихи мулуки Аҷам"нинг охирида шундай ёзади:

Чу "Назм ул-жавоҳир" битиб отинга,  
Ўқуш васф дарж айладим эзинга.  
Ана шу асардаги рубоийларнинг бирида соғлиқнинг муҳим шартларидан бири — овқатланиш маданияти экани таъкидланади:

Хар қимгаки кўп таом емак фандур,  
Билгили, нажосатка тани маскандур.  
Қоринг била дўст бўлмасанг, аҳсандур,  
Невчунки эр ўлғига қорин душмандир.  
"Қорин билан дўст тутинмаслик" учун эса инсонда қаноат деган фазилат шакланган бўлиши керак. Қаноат нафсини енгади, хирсага берилиб кетишга йўл қўймайди.

Хирс ўлса қаноат ўтига ёқ ани,  
Яъники адам риштасига ёқ ани.  
Не раҳнаки хирс айлағай, боқ ани,  
Маҳкам қилғай магарки туфроқ ани.  
Рўх билан жисмининг ўзаро мустаҳкам боғлиқлиги шундаки, қорни ўта тўқ одамнинг кўнгли қаттиқ бўлади. Ҳозирги замон тиббиётининг ҳулласига кўра, тўқ одам танасининг асосий кучи овқатни ҳазм қилишга сарфланганидан кейин одамда кўнгли назокати йўқола боради, бепарволик, лоқайдлик — лавандлик пайдо бўлади. Табиийки, қорин тўқ маҳали

на давлатларидан минглаб сайёҳлар келиши билан боғлиқ. Бу ўзбек курашининг дунё бўйлаб янада кенгроқ ёйилишига замин яратаяди. Масаланинг иккинчи томони турк биро-

Махтумқули Махмудов, Баҳром Авазов, Эрали Махмарасулов ҳамда Тоштемур Муҳаммадиевлар иштирок этади.

Миллат фахри

Ишқибозларга маълумки, шу йилнинг 13-17 июлида Туркиянинг Анталия шаҳрида ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда полвонларимиздан Махтумқули Махмудов, Баҳром Авазов, Эрали Махмарасулов ҳамда Тоштемур Муҳаммадиевлар иштирок этади.

Ўзбекистон терма жамоасининг ушбу мусобақага кўраётган тайёргарлиги ҳамюртларимизни қизиқтириши табиий. Биз шу тўғрисида Ўзбекистон кураш федерацияси вице-

президенти Талъат Усмоновга бир неча саволлар билан мурожаат этдик. — Аввало ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпионатининг айнан Анталияда ўтказилиш сабабларига тўхталсангиз.

— Чемпионат Анталияда ўтказилишининг асосий сабабларидан бири Туркияда юзлаб миллатлар истиқомат қилиши ва ушбу мамлакатда дунёнинг кўпги-

дарларимизнинг мурожаати халқро кураш ассоциацияси томонидан қаноатлантирилганлигидир. — Айни пайтда полвонларимиз чемпионатга қандай тайёргарлик кўрмоқдалар?

— Яқинда Самарқанд шаҳрида ўтказилган мамлакат чемпионати Туркияга борадиган полвонларимизни саралаш олишда муҳим босқич бўлди. Унда

та саралаш мусобақасини ўтказиш режалаштирилмоқда. — Самарқандда ўтказилган мамлакат чемпионатида мутлақ ваъндаги полвонимиз Тоштемур Муҳаммадиев Эрали Махмарасуловга имкониятни бой берганди. Шунга қарамай Тоштемур полвон терма жамоа сафига киритилди. Буни қандай изоҳлайсиз?

полвонларимиз мўҳмон сифатида иштирок этадилар. Демак, бахсларнинг шиддатлироқ кечиш эҳтимоли кўпроқ. Иккинчидан, II жаҳон чемпионатида дунёнинг турли бурчакларидан келган хотин-қизлар ҳам гиламга тушадилар. Бу борада биз ҳам саралаш мусобақаларини ўтказаямиз. Вакилларимиз ваън тоифасида ҳам, мутлақ голиблик учун

ҳам баҳс юритадилар. — Талъат ака, Анталияда полвонларимиздан қиммат чемпионликни қўлга киритиши мумкинлиги тўғрисида башорат қила олсангиз?

— Олдиндан бир нарса дейиш қийин. Лекин ҳозир терма жамоамиз сафига

# РўХ ВА ЖИСМ БИРЛИГИ

Кўплар бадийи адабиётдаги талқинлар ҳаётлигига шубҳа билан, ишониб-ишонмай қарайди. Шоир-до, тўқийверади, деб ўйлайдиганлар ҳам оз эмас. Шунинг учун шоир-ёзувчиларнинг у ё бу масаласида доир нуқтаи назарини аниқлаштирганда имкон қадар унинг бадийи ижодини четлаб ўтиш йўлидан юриш ҳам мумкин.

Бу гал биз Навоийнинг айнан илмий, таъкиривий, воқеий асарларида соғлом авлод тарбияси масаласи қандай таҳлил этилганига эътибор қаратишмоқчимиз. Бироқ бунда бадийи асарлардаги таржимон ҳол билан боғлиқ ёки шоирнинг замондошлари ҳақидаги талқинларни ҳам жалб этамиз.

кучли-жисмоний меҳнат қилиш ҳам, жиддий ақлий фаолият ҳам қийин кечади. Бутун диққати меъданинг ишлашига қаратилган организм мускулларга ҳам, миёга ҳам етарли миқдорда озуқа, яъни қон етказиб бераолмайди. Лоҳаслик — ана шундан. Бепарволиги бепарқлиқ эса Навоий айтган "кўнгли қаттиқлик"нинг ўзгинаси:

Кўп тўйма ер эл аросидан ихрож ўл,  
Савм ақли аро бош қўю, соҳибтож ўл.  
Хам қалби рақиқ эрур, анга муқтож ўл,  
Тўқлук чу кўнгулни қатик айлар, оч ўл.

Тандаги ҳар қандай ортиқчалик рўҳга, яъники маънавиятга — бевоисита қишининг фелъ-атворида салбий таъсир қилиши аниқ. Шунинг учун ҳам тасаввуфда жисм ва рўх муносабатлари, уларнинг ўзаро уйғунлигига эришиш, бошқача айтганда, жисмин рўҳга мослаштириш, бўйсундириш — бош масала. Суфийнинг асосий мақсади — рўх қамолотига эришиш. Рўх жисм устидан ҳукмронлик қилиши учун аввал жисм нафсини енгитиш керак. Ейишга ўчлик ҳам — нафси бад. "Нафси бад — койиши жон", дейилади тожик халқ мақолида. Суфийлар ҳар қандай нафсага қарши кураш эълон қиладилар.

Буни "Назм ул-жавоҳир"даги талқинлар ҳам исботлаб турибди.

Соғлом авлод тарбиясида отанинг ўрни, ота-ўғил муносабатларининг аҳамияти ҳам катта.

Фарзанд ато қулугин чу одат қилғай,  
Ўл одат ила касби саодат қилғай,  
Хар қимки атога кўп риоят қилғай,  
Ўғлидан анга бу иш сироят қилғай.

Бу ерда отанга қилган яқшиликнинг эртага сenga ўғлингдан қайтади, қабилидаги халқона ҳикмат мазмунини ифодалаган.

Навоий айрим қисқартриш ва тўлдиришлар билан устози ва пири Абдурахмон Жомийдан таржима қилган "Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футууват" да шайхлар ҳаётини соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ шундай ажиб ривоят ва ҳикоятлар ҳам борки, уларнинг айримларини келтириш ўринли. Шайхларда овқатланишга муносабат ҳам жуда шакланган бўлади. Масалан, Абу Абдуллоҳ Мухтор ибни Муҳаммад ибни Аҳмад Хиравийнинг мана бу гапи ҳозир ҳам ҳамма учун бир кучли ўғит ҳисобланиши мумкин:

"Таомни андоқ егилки, сен ани егайсен, йўқки ул — сени. Агар сен ани есанг, борча нур бўлғай ва агар ул сени еса, борча дард бўлғай..." (120).

Таъкирда ана келтирилишича, оддий одамлардан фарқли ўлароқ, тасавуф ақли, ҳатто, кўзларини номашуру, яъни шариятга хилоф нарсага қарашдан, қулоқларини номашуру гап ё товуш эшитишдан ("Қулоққа ёмон эшитиладиган гапдан саклан"), деган ҳадиси шариф ҳам бор), оёқларини номашуру ҳақда ташлашдан, кўларини номашуру нарсага тегишдан тийдилар ва ҳоказо. Барча аъзоларини шундай чеклайдилар.

Улар ҳаммадан кўра кўпроқ кўнгилларига рўза буюрадилар, токи қалбда Оллоҳдан бошқа нарса бўлмасин.

Суфийлар учун шариятдан ҳам бурун амал қилинадиган икки муҳим масала мавжуд. Биринчиси таваб (бу ҳақда ушбу сатрлар муаллифининг "Тавба" мақоласига қarang: "Халқ сўзи", 1993 йил, 8 февраль). Иккинчиси — лўкма ҳиллати. Бу — истеъмол қилинадиган нарсанинг ҳалоллиги дегани. Ҳалол — ҳам моддий, ҳам маънавий тушунча. Моддийлиги — мусулмон учун ейиш мумкин, яъни ҳаром ҳисобланмаган нарсаларнигина истеъмол қилиш. Масалан, чўчка ё эшак, ўлиб қолган қўй ё мол гўшти ҳалол эмас.

Лекин "лўкма ҳиллати" кўпроқ масаланинг маънавий тарафига — истеъмол қилинадиган нарсанинг ҳалол меҳнат орасидан ё ҳаром йўл биланми топилишига дахлдор.

Асарият шайхлар ҳалол касб билан кун кўрган. Бир шайх ейиш учун шубҳали туюлган лўкманни сувга ташлаган. Кейин бир неча йил, яъни ўша балиқ энди ўлиб кетгандир, деб ҳисоблагунча: "Борди-ю, уни балиқ деган бўлса, балиқни еб, ноҳалол лўкма гуноҳига қолмай", деган ҳаёл билан балиқ емаган экан...

Ҳалол меҳнат эвазига келган ризқ билангина кун кўриш масаласига диққат шу даражада бўлганки, мабодо билиб-билмай шундай таом еб қўйилса, бу гуноҳни ювиш учун жуда кўп саъй-ҳаракат қилинган: "Ва бир шубҳали лўкма очна тийралик келтирурки, кўп вақт анинг ислоҳига машғул бўлуб, маълум эмаски, дафъи не навъ суръат боғлар".

"Фарҳод ва Ширин"нинг охиридан бурунги 53-боби Хусайн Бойқаронинг ўғли —

Хуллас, жисмоний ва маънавий баркамоллик Навоий учун шунчаки наъза эмас. Унинг: Сўқат тиласанг — оз е, Назат тиласанг — оз де, ёки Кўп демак бирла бўлмағил нодон, Кўп емак бирла бўлмағил ҳайон, деган ҳикоятларидан ҳам, маълумки, буюк мутафаккир тарбиянинг бу икки жиҳати уйғунлигини сира унутмаган. 2000 йилнинг Соғлом авлод йили деб эълон қилинишидан кўзланган асосий мақсад ҳам ана шу — ҳам жисмонан, ҳам маънаван соғлом авлодни волағ етказишдан иборат.

Султонмурод ОЛИМ



Қадим оҳанглар

Суратда: Қорақалпоғистонлик бахши Жумабой Бозоров Ерназар Ерманов олган сурат

— Эсингизда бўлса, Тоштемур Муҳаммадиев Тошкентдаги чемпионатда голибликни қўлга киритган эди. Мутахассисларимиз навбатдаги жаҳон биринчилигида ҳам унга катта умид боғлашмоқда. Уйлаймизки, у ишончимизни

## Ўқув йили ақунлари

### "ҲОЗИРГИ ЁШЛАРДАН УМИДИМИЗ КАТТА"

Абитуриентлар олий ўқув юртига ҳужжатларини топшираётган бир пайтда битирувчи талабалар битирув-малака ишларини ҳимоя қилишаётди. Яқинда Тошкент давлат юридик институти 2-ҳўқуқ факультетининг бир гуруҳ талабалари битирув ишларини ҳимоя қилдилар.

— Мамлакатимизда бозор муносабатлари жараёнлари тобора жадаллашаётган, ҳуқуқий-демократик жамият барпо этиш борасида жиддий ўзгаришлар бўлаётган бир даврда бўла-жақ ҳуқуқшуносларнинг кўпчилиги мулкий ҳуқуқ, шартнома, олди-сотди шартномаси ҳуқуқи ва шунга ўхшаш бугунги кун учун долзарб мавзуларда иш олиб борди, — деди Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 1-давлат нотариал идорасининг катта нотариуси Озодахон Сотволдиева "Туркистон-пресс" муҳбирига: — Мамнуният билан айтишим керакки, ўзим битирув ишларини баҳолаган Абдуҳамид Комилов, Абдумалик Абдуҷабборов, Дилмурод Назиров каби талабалар тегишли мавзуларни тўлақонли ёритишга муваффақ бўлишди. Мазкур ишларда мамлакатимиз шартномавий муносабатлар дунёсига кириб бораётганлигидан келиб чиқиб, талабалар ўз олдиға қўйган вазифаларни халқро ҳуқуқий меъёрлар мезони билан ўлчашига интилиш сезилди.

Талабаларнинг ишларини баҳолашда иштирок этган Республика Адлия вазирлиги суд фаолияти ишларини тақомиллаштириш бошқармаси бошлиғи Раҳим Абдуҳасанов бўла-жақ ҳуқуқшуносларнинг ишларини қўйидагича баҳолади:

— Ҳозирги ёшларнинг билими, дунёқароши бундан 10-20 йил аввалги ёшлардан мутлақо фарқ қилади. Хусусан, Бекзод Сотволдиевнинг мулкий муносабатлар хусусидаги битирув ишини таҳлил қилиб, бунга гувоҳ бўлдим. Эеро, ҳимоя иши бугунги кунда мамлакатимизда кенг қанот ёзаётган тадбиркорлик ва фермерлик фаолиятлари, улардаги мулкка эғалик ҳуқуқи, шунингдек, бу борада туғилаётган муаммолар ечимини топишга ҳарақат қилганлиги билан менда катта умид уйғотди.

Талабалар ҳаётида унутилмас воқеа бўлган давлат имтиҳонини ҳайати аззоси, факультет декани Сотволди Бобоқулов бугунги ишларга баҳо бераар экан, мамлакатимизни ҳуқуқий-демократик жамиятга айлантириш йўлида мустақиллик йилларида залворли қадамлар қўйилганини таъкидлади.

— Ҳамма соҳаларда қонун устиворлигини таъминлаш, фуқароларимизга конституционий ҳуқуқ ва бурчларни танитиш — ҳуқуқшуносларнинг асосий вазифамиздир, — деди С.Бобоқулова. Бугун талабаларимизнинг тўрт йиллик олган билимларини сарҳисоб қилмоқдамиз. Бакалавр дипломини қўлга киритиб, талабаларнинг айримлари катта ҳаётга йўлланма олса, бошқалари эса магистрлик учун тахсилни давом эттирадилар. Эртага улар ўз соҳасида етук мутахассислик дипломини олиб, халқимизнинг қорига яради, деб ўйлайман.

"Туркистон-пресс"

## САЙЁҲЛАР БЕЛЛАШУВИ

Куни кеча Тошкент вилояти, Бўстонқўй тумани Қоронқўлоой дам олиш оромгоҳларида ўқувчи ёшларнинг тўрт сайёҳлиги бўйича IV Республика мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақада барча вилоятларидан келган ўқувчи ёшлар 5 кунлик беллашувада ўзларининг маҳоратини кўрсатишди. Бу мусобақа Ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар маркази ҳамда Республи-

ка "Қамолот" жамғармаси ҳамкорлигида ёшларимизни маънавий ҳамда жисмоний жиҳатдан камол топиши, "Соғлом авлод" давлат дастурига белгилаб берилган вазифаларни ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида ташкил этилди.


Мусобақада Тошкент вилояти Тошкент тумани 32-мактаби, Самарқанд вилояти Гузалкент тумани 23-мактаблари фаол қатна-

шиб, жамоа бўйича голибликни қўлга киритдилар. Синов турларининг 5 та шартли бўйича Тошкент, Қашқадарь, Наманган, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ҳам фахрли ўринларни қўлга киритди.

Мусобақа голибларига ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Бахтиёр ШОҲИСМОИЛ, "Туркистон" муҳбири

## ЮЗИМИЗ ЁРУФ БЎЛАДИ



президенти Талъат Усмоновга бир неча саволлар билан мурожаат этдик. — Аввало ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпионатининг айнан Анталияда ўтказилиш сабабларига тўхталсангиз.

— Чемпионат Анталияда ўтказилишининг асосий сабабларидан бири Туркияда юзлаб миллатлар истиқомат қилиши ва ушбу мамлакатда дунёнинг кўпги-

дарларимизнинг мурожаати халқро кураш ассоциацияси томонидан қаноатлантирилганлигидир. — Айни пайтда полвонларимиз чемпионатга қандай тайёргарлик кўрмоқдалар?

— Яқинда Самарқанд шаҳрида ўтказилган мамлакат чемпионати Туркияга борадиган полвонларимизни саралаш олишда муҳим босқич бўлди. Унда

та саралаш мусобақасини ўтказиш режалаштирилмоқда. — Самарқандда ўтказилган мамлакат чемпионатида мутлақ ваъндаги полвонимиз Тоштемур Муҳаммадиев Эрали Махмарасуловга имкониятни бой берганди. Шунга қарамай Тоштемур полвон терма жамоа сафига киритилди. Буни қандай изоҳлайсиз?

полвонларимиз мўҳмон сифатида иштирок этадилар. Демак, бахсларнинг шиддатлироқ кечиш эҳтимоли кўпроқ. Иккинчидан, II жаҳон чемпионатида дунёнинг турли бурчакларидан келган хотин-қизлар ҳам гиламга тушадилар. Бу борада биз ҳам саралаш мусобақаларини ўтказаямиз. Вакилларимиз ваън тоифасида ҳам, мутлақ голиблик учун

Турғун УРОЛОВ сўхбатлашди


**Таътил мавсуми**

**“КУМУШКОН” ДА ДАМ ОЛИНГ**

лашган “Кумушкон” дам олиш сайёҳатгоҳида ана шундай шароитлар муҳайё қилинган.

Йилнинг тўрт фаслида ҳам бу ерда дам олувчиларимиз бисёр бўлади. Айниқса ёз ва қиш ойларида

шифобахш булоқ сувларию, шифокорларнинг муолажаларидан шифо истаб келади. Энг асосийси, сихатгоҳга ташриф буюрганлар кўнгилдагидек дам олиб кетишади.



— Сихатгоҳимиз Ўзбекистондаги бошқа сихатгоҳлардан ажойиб табиати билан фарқ қилади, — дейди шу ғўша директори Жанон ака Маҳкамов. —

ажойиб либос киядиган “Кумушкон”нинг талабгорлари кўп.

Кимдир бу ерга чарқоларини унуттиш учун ташриф буюрса, яна кимдир

Паркентнинг “Кумушкон”ида бир тун меҳмон бўлмоқликни ўзимизга, қадрдонларимизга раво кўрайлик.

**Шахноза МАХМУДОВА**

**Яхши китоб — яхши дўст**

Ўн саккизинчи баҳорини ҳар ким ҳар хил қаршиласа керак. Туйғуларга ташна, муҳаббатга ошно қалбимиз буорганини қилгимиз келаверади. Шахсан менинг ҳам севишли маъшулотим бадиий китоб муғолаа қилишдир. Яқинда Гафур Ғулوم номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чоп этилган ёзувчи Тўлқин Эшбекнинг “Адашган

рли иш бўлган. Талаба бўлиш ҳар бир тенгдошимнинг орзуси бўлса керак. Шундай эзгу йўлда ҳам кимлардир “адашиб” қолиши ҳеч гап эмаскан. Бунга аввало ўзининг иродасизлиги, қолаверса, атрофдаги айрим нотўқ кимсаларнинг қинғирликлари сабаб бўлиши мумкин. “Адашган қиз қисмати” ҳикоясида кириш имтиҳонлари

**ТУЙГУЛАРГА ОШНОМАН**

қиз қисмати” китобини ҳам иштиёқ билан қўлга олдим.

Теша тегмаган мавзуларни топишга устаси фаранг адибиимиз айнан бизнинг тенгқурлар учун ёзган бадиалари билан қалбимизда чуқур из қолдирган. Ўтган йили “Туркистон” газетасида ёзилган “Кўкжўрт” мақоласини ҳаяжон билан ўқиганман. Унда кўёвлик либосини кийган баъзи йигитларнинг тўй куниниёқ йўл қўйдиган “жузъий” хатоси ҳақида куйинчақлик билан ёзилган.



Муаллифнинг шундай жонқуярлик билан ёзган бадиаларини бошқа нашрларда ҳам эътибор билан ўқиганман. “Андиша ойнаси”, “Ҳасад балоси”, “Келиннинг насаби”, “Исмлар жилоси”, “Аканинг гўркови уками?”, “Маънавиятимиз қушандалари”, “Буормаган бойликлар” каби бадиия ва хангомалар қизиқарли асарлардир. Уларни саралаб, бир тўпламга жамлангани жуда хай-

дан ўз билими билан муваффақиятли ўтган, бироқ баҳоси салгина пастроқ бўлиб қолган Соҳиба исми қизнинг антиқа “саргузашт”лари тасвирланган. Қандок бўлмасин мақсадига эришиш йўлида у ҳатто тубанлик кўчасига киришдан ҳам тоймаган. Дуч келган нотаниш кимсаларга дардини дoston қилади. Афсус, бир зумда “ота-боло” тулган кимсалар аслида безорилар бўлиб, ўни ҳалокат кўчасига бошлайдилар. Охири-охири қизнинг ўзини жавр бўлади. Ҳикояни мароқ билан ўқиркансиз, ана шундай “адашиб қолиши” мумкин бўлган абитуриентларга қарата ёзувчининг “огоҳ бўлинглар!” деган давватини ўқандек бўласиз.

**Азамат ТОИРОВ, Тошкент шаҳри**

“Сурат ва сийрат” фото-танловига

Қорақалпоғистон Республикасидаги “Бадаёй тоғай” қуриқхонаси




Ерназар Ерманов олган суратлар

Тоғлардан тушаётган зил булоқ сувларининг тошдан-тошга урилиб, шовуллаб оқиши, сўлим боғларда қушларнинг хандон чуғур-чуғур сайраши, хур-хур шабада эсиб турган шинам ва озода хоналар... Ёзининг жазирамасида хордиқ чикаришни хоҳлаган дам олувчи учун бундан ортиқ ҳеч нарса керак бўлмаса керак. Паркент туманида жой-

**Бакалаврдан профессионал элитага! Тошкент темирйўл муҳандислари институтига ўқишга кириш! Унда сиз учун қуйидаги имкониятлар мавжуд:**

12 та таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш (ўқиш муддати 4 йил):

1. касбий-педагогик тайёргарлик;
2. автоматлаштириш ва бошқариш;
3. телекоммуникацион тармоқлар ва коммутация тизимлари;
4. ер усти транспорт воситалари;
5. транспорт воситаларидан фойдаланиш;
6. бинолар ва иншоотлар қурилиши;
7. гидротехник ва транспорт иншоотлари қурилиши;
8. инжнёрлик тармоқлари қурилиши;
9. иқтисодий;
10. менежмент
11. электроэнергетика;
12. электротехника, электротехника ва электротехнологиялар



тини (давлат грантлари, шартнома асосида) танлаш;

\* 60 фоиздан кўп илмий даража ва унвонга эга бўлган юқори малакали профессор-ўқитувчилар ишлайдиган факультетларда ўқиш;

\* ўқув-лаборатория базаси замонавий воситалар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кафедраларда ўқиш;

\* ҳар йили Ўзбекистоннинг темир йўлларида юриш учун бир марталик бепул чипта олиш;

\* ўқишни магистратурада (ўқиш муддати 2 йил) 10 та ихтисослик бўйича давом эттириб, Ўзбекистон Республикаси муҳандисларининг энг яхши намоёндалари (элита) сафига қўшилиш;

\* фақат МДХ мамлакатларигагина эмас, балки кўпгина хорижий мамлакатларда ҳам эътироф қилинган диплом олиш.

**Институт манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Эшон Одилхўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 199-05-56, 199-05-91, 191-14-53**

**Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институти 2000-2001 ўқув йилида қуйидаги мутахассисликлар бўйича бакалавр тайёрлашга қабул эълон қилади:**

даволаш иши (ўқиш муддати 7 йил)  
тиббий-профилактика иши (ўқиш муддати 6 йил)  
тиббий педагогик иш (ўқиш муддати 7 йил)  
олий малакали ҳамширалик (ўқиш муддати 3 йил)  
Талабаларни қабул қилиш ЎР таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тест синовлари, олий малакали ҳамшира бўлимига эса унга қўшимча мутахассислик бўйича имтиҳон натижаларига (баллар) биноан рейтинг тизими бўйича ўтказилади.

Қабул барча учун (ҳам грантлар, ҳам контракт бўйича) тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, тест синовларида (олий малакали ҳамшира бўлимида мутахассислик бўйича имтиҳон ва тест синовларида) энг юқори балл тулган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади. Қолган абитуриентлар тест баллари (олий малакали ҳамшира бўлимида мутахассислик бўйича имтиҳон ва тест баллари) рейтинг асосида белгиланган тулов-контракт ўринларига қабул қилиниш ҳуқуқига эгадирлар.

Танлов ҳар бир таълим йўналишлари ва ўқитиш тилларига кўра алоҳида ўтказилади. Абитуриент ўқишга кириш чоғида қуйидагиларни тақдим этади:

- таълим йўналиши ва ўқув тили курсатилган ариза
- ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асли (ётуқ-

лик аттестати, ўрта маълумоти ҳақидаги диплом)  
— 0,86-у шаклидаги тиббий маълумотнома  
— 3X4 ўлчамдаги 6 дона фотосурат  
Олий малакали ҳамшира бўлимига кирувчилар ўрта махсус тиббий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхасини тақдим этишлари шарт. Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Танловдан ташқари ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхасини топширадилар. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисмларнинг ўқишга юбориш ҳақидаги тавсияномага эга бўлган абитуриентлар, унинг асл нусхасини қабул қилишга тақдим этадилар.

Аризалар 20 июндан 20 июлгача (шу кун ҳам) қабул қилинади. Тест синовлари учун даволаш иши, тиббий-педагогик иш, тиббий-профилактика иши мутахассисликлари бўйича 36 та биология, 36 та кимё ва 36 та она тили ва адабиёт, ҳамширалик иши бўйича 36 та биология ва 36 та она тили ва адабиёт фанлари савол ва топшириқлар мажмуаси белгиланган. Жавоблар учун 3 соат, олий малакали ҳамширалар бўлими абитуриентларига 2 соат вақт берилади.

Хурматли абитуриентлар! Сиз барча билимларингизни, зехнингизни ишга солиб бўлаёқ тест синовларини муваффақиятли топширишларингизга ва эзгу орзуларингиз амалга оширишга тилакдошимиз. Биз Сизларни институтимизнинг илгор талабалари сафида кўриш ва келажакда Ватанимиз раънақи, халқимизнинг саломатлигини сақловчи фидокор шифокор бўлишингизга аминимиз.



**Институт манзили: 700109 Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй, 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти Бош ўқув биноси. Телефонлар: 46-83-11, 46-83-12**

— Нега, ҳеч меҳнат таътили олмайсан? Наҳотки фирманг сенсиз кунини кўра олмайди?  
— Шунинг биллиб қолишмасин деб ҳеч қайқа кетмаепманда.

Хотин:  
— Дўхтир менга чет элга саёҳат қилишни буюрди. Қайқа борамиз?  
Эр:  
— Бошқа дўхтирга.

— Илмли одамлар галати бўларкан. Энг ишонган шогирдим менадан китоб олиб, бир неча йилгача қайтармай юрди, энди қизимни олиб, бир ойга қолмай қайтариб олиб келибди.

**Нилуфар ДУСТБОЕВА тўлади**

Китоб тумани Халқ таълими бўлими томонидан Қиличча Феруза номига берилган ОРА 538867 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный ГОС. ордер № 10-21/333 от 30.04.93 год на право собственности на квартиру на имя Худойназаров Алишер Абду-жабборович Шахристанская дом 1-квартира 6 считать недействительным.

**Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги МАННОН УЙҒУР НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ САНЪАТ ИНСТИТУТИ 2000-2001 ўқув йилига бакалавр йўналишларига қуйидаги соҳалар бўйича ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

Йўналишлар (соҳалар бўйича)	кундузги ўқув шакли бўйича		сиртки ўқув шакли бўйича шартнома асосида	
	ўзбек гуруҳи	рус гуруҳи	ўзбек гуруҳи	рус гуруҳи
1. Драматик театр ва кино актёри	✓			✓
2. Кўғирчоқ театри актёри	✓			
3. Мусиқий театр актёри				
4. Драма режиссёрлиги	✓	✓		
5. Телевидение режиссёрлиги		✓	✓	
6. Телевидение ва радио овоз режиссёрлиги	✓	✓		
7. Кўғирчоқ театри режиссёрлиги	✓			
8. Кинотелеоператорлик		✓		
9. Санъатшунос-журналист	✓			
10. Театршунослик				

**КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ:**

1. Мутахассисликдан ижодий имтиҳон (кўп балли тизим асосида).
2. Она тили, адабиёт ва тарихдан тест синовлари.

Ҳужжатлар кундузги ва сиртки бўлимларга 2000 йилнинг 19 июлига қадар қабул қилинади.

**МАНЗИЛИМIZ:**  
Тошкент шаҳри, Метронинг “Космонавтлар” бекати, Юнус Ражабий кўчаси, 77-уй.  
Телефонлар: 56-29-88, 56-45-88, 56-29-86



**ДИҚҚАТ, ҚИДИРИЛМОҚДА!**

Юнусобод тумани ИИБси томонидан 1976 йилда туғилган, Юнусобод тумани, 15-мавзе, 60-уй, 82-хонадонда яшовчи 04.05.2000 йил кунин уйдан чиқиб кетиб қайтиб келмаган Мардонова Нодира Хасановна қидирилмоқда.  
Белгилари: бўйи 170 см., юзи овалсимон, кўзи қора, қоши қора, ёйсимон, сочи қора елкасигача.  
Уша кунин у қора кўйлак, қора шиппак, сарик зарли рўмолда бўлган. Қидирувдаги шахс ҳақида маълумотларни қуйидаги телефонларга маълум қилишингизни сўраймиз: **34-80-17, 23-42-91, 100-41-82**

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ

Тажриб ҳайъати:  
Хотам АБДУРАИМОВ, Ғайрат ШОУМАРОВ, Лайло КАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари), Авазхон СОДИКОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Насриддин МУХАММАДИЕВ, Бахтиёр ШОХИСМОИЛОВ (масъул котиб), Шовзим МИНАВВАРОВ, Ғаффор ХОТАМОВ, Комил ЮСУПОВ

Манзилимиз: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Мухбирлар 133-95-97  
Хатлар бўлими 133-79-69

Навбатчи муҳаррир Дилбар ТУРҒУНОВА

Тажрибта юборилган материаллар қайтарибмайди.  
Муаллифлар фикри таърифнинг нуқсон назаридан фарқланмайди.

«Шарк» нашрият-матбаа концерни босмахонаси

Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41  
Буюртма Г. — 610.

Рўқбатдан ўтиш тартиби № 00012.

Офсет усулида босилган.  
Қоғоз биними А-2.  
Босишга топширилган вақти-20.00  
Топширилди-21.00  
1 2 3 4 5 6